* 20 июнь—Тиббиёт ходимлари куни

# ҲАМИША ЁРДАМГА ТАЙЁРМИЗ

БИЗ тиббиёт ходимлари бу галги анъанавий касб байрамимизни ўзгача руҳда нишонлаяпмиз. Бу йил нафақат Тошкент шаҳри, балки бутун республикамиз тиббиёт ходимлари учун ўзгача бўлди. Бунинг боиси Президентимиз И. А. Каримовнинг ташаббуси билан соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш ҳаракатининг бошлаганлигидир. Бу ҳаракат тиббиёт ходимларидан сидқидилдан масъулият билан ишлашларини тақозо этади.

Айни пайтда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, туманларнинг соғлиқни сақлаш бўлимлари, умуман барча шифокорлар бутун эътиборини халқ саломатлигини сақлашга қаратганлар. Айниқса, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш асосий мақсад қилиб қўйилди. Мустақил Ўзбекистонимиз учун соғлом авлод керак. Шу боисдан энг аввало оналарнинг, хусусан туғиш ёшидаги ҳамда ҳомиладор аёлларнинг саломатлигини сақлаш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир.

Шаҳримиздаги барча аёллар маслаҳатхоналари, туғруқхоналари, болалар поликлиникаларида ишлаётган ходимлар бу масъулиятни дилдан ҳис қилиб меҳнат қилмоқдалар. Айни пайтда туғруқхоналаримизда чақалоқлар туғилиши билан она сутидан баҳраманд бўлмоқдалар. Жойларда чақалоқларни фақат она сути билан боқиш зарурлиги, ана шундагина келажак авлодимиз соғлом бўлиши қайта-қайта тушунтирилаяпти.

Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тасарруфидаги барча тиббий муассасалар, «Тез ёрдам» шохобчалари ўз ишларини тубдан ўзгартирдилар. Шифокорлар бутун эътиборни аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, уларга малакали хизмат кўрсатишга қаратди. Тиббий хизмат даражасини янада кўтариш, энг аввало тиббиёт ходимларининг билим савиясига, малака ва иқтидорига боғлиқдир. Шу мақсадда шифокор ва ҳамшираларни мунтазам мутахассислик кўригидан ўтказиб турибмиз. Шу кунга қадар 8 мингга яқин шифокорларимиздан 1200 нафарига турли даражадаги тоифалар берилди.

Сўнгги пайтда поликлиника хизматини янада яхшилаш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шаҳримиздаги кўпгина поликлиникалар қайтадан таъмирланиб, янги замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Айниқса, улар қошида кундузги шифохоналар ташкил этиш туфайли 18 минг киши соғлиғини тиклаш билан, тиббиёт соҳасига ажратилган маблағни тежаш имконияти туғилди. Натижада 5 мингга яқин беморни оилавий шароити ҳисобга олиниб хонадонларнинг ўзида даволаш ташкил этилди.

Касалликларни даволаш учун албатта дори-дармон зарур. Тошкент шаҳар Ҳокимлиги саъй-ҳаракатлари туфайли ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда ҳам дори-дармонлар етказиб берилмоқда. Поликлиникаларда айрим жарроҳлик операциялари шу ернинг ўзида қилинмоқда. Кундузги шифохоналар ташкил этиш туфайли касалхоналаримиздаги хизмат сифатини яхшилаш имкониятига эга бўлдик. Чунки илгари касалхоналаримизда бир хонада 5-6 бемор жойлаштирилган бўлса, эндиликда улар 3-4 кишини ташкил қилади.

Шароит тақозосига кўра кўпгина муассасаларимизда пуллик хизмат кўрсатиш ҳам ташкил этилди. Касалларни даволашнинг янги усуллари такомиллаштириб, хорижлик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиниб уни ишимизга жорий этмоқдамиз.

Кези келганда фахрий тиббиёт ходимлари хизматларини ҳам алоҳида таъкидламоқни жоиз топдим. Нафақада бўлишларига қарамай, аҳоли саломатлигини сақлашда фахрий шифокоримиз ҳам ўз ёрдамларини аямай, керакли маслаҳатларни бермоқдалар.

Шифокорлик касби нақадар нозик, сермашаққатлиги билан бирга ҳар бир кишига қандай шароит бўлишидан қатъи назар зарур бўлганда зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатишга тайёр туришни тақозо этади. Биз буни чин дилдан ҳис қиламиз. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг олиб бораётган одилона сиёсати туфайли тиббиёт ходимларини ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Бундан улар мамнун бўляптилар.

Бугунги кунда мустақил республикамизнинг ҳар бир фуқароси олдида Ватанимизга содиқ бўлиш, унинг келажаги учун сидқидилдан меҳнат қилиш вазифаси турибди. Биз шифокорлар ҳам буни чуқур англаб етиб, кечаю кундуз халқ саломатлигини сақлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қиламиз.

**Қулаҳмад РИЗАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.**

ЮНУСОБОД тумани тиббиёт ва дорихоналар ходимларининг яқинда бўлиб ўтган умумий йиғилишида халқ саломатлигини сақлаш йўлида қилинган ишлар ва амалга ошириладиган режалар муҳокама қилинди.

## КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Туман фуқароларига имтиёзли тиббий хизмат кўрсатиш масалалари бўйича туман соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Мунира Муҳиддинова маъруза қилди. У ўз сўзида тиббиёт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ва камчиликларни кўрсатиб, республикамиз Президенти Фармонига биноан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис қилиниши муносабати билан олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида гапирди.

— «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис қилиниши ҳамда мазкур йилнинг «Болаларни она сути билан боқиш йили» деб белгиланиши бошқалар қатори туманимиз тиббиёт ходимларининг зиммасига ҳам катта масъулиятни юклади, — деди у.— Қисқа давр ичида бирмунча хайрли ишлар амалга оширилди. Агар мисол тариқасида сўнгги беш ойни олиб кўрадиган бўлсак, ўзгаришларни яққол кўриш мумкин. Ҳозирги пайтда туманимиз касалхоналари энг замонавий тиббий ускуналари билан жиҳозланган. Айниқса 26, 31, 12 ҳамда 17-касалхоналарда даволаш учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Шу ўтган беш ой ичида туманимизда болалар ўлими, турли хил, айниқса юқумли касалликлар камайди. Поликлиника ва касалхоналарга кўзга кўринган профессор, олимлар жалб қилиниб, ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. 31-поликлиника қошида маслаҳат маркази ташкил қилинди. Оналар ва болалар саломатлигини жиддий эътиборга олиб 26 та маҳаллада доимий тиббий назорат ташкил қилинди. Буларнинг ҳаммаси ишларимизнинг ижобий самарасидан далолат беради...

Касалхоналарни дори-дармонлар билан таъминлаш масаласи юзасидан туман марказий дорихона мудири Ҳамид Акбаров гапириб, йиғилганларнинг саволларига жавоб берди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қулаҳмад Ризаев, Юнусобод тумани ҳокимининг ўринбосари Рустам Қурбонов иштирок этдилар.

**Назира ҚУРБОН қизи.**



**Соғлом авлод камолоти йўлида шаҳримиздаги 7-кўптармоқли касалхонанинг аёллар маслаҳатхонаси бўлими шифокорлари ҳормай-толмай меҳнат қилишмоқда.**
**СУРАТДА: акушер-гинеколог Зулфия Сафоева ҳамда катта доя Абила Мирзаевалар беморга тегишли маслаҳатлар беришмоқда.**

**Холмат Мирзакаримов сурати.**

* Билиб қўйган яхши

## ЧЕКИШНИНГ ЗАРАРИ ҚАНЧА?

ХОМЧЎТ ҳисобларига кўра, бир йилда кашандалар салкам 700 тонна синил кислотаси (хавфли заҳар)ни, 400 минг тонна аммиакни, 600 минг тонна қора мой, 100 минг тонна никотинни ҳавога чиқаради.

Ҳар йили ер юзида 12 миллион қути тамаки чекилади. Бунинг оғирлиги 2 миллион 500 минг тоннадан ошиб кетади.

Бир қути тамаки чекилганда организм 0,0012 грамм синил кислотасини, 0,18 грамм никотин, 0,642 грамм аммиак, 0,02 грамм углерод оксиди, 0,22 грамм перидин асосларини ва бошқа моддаларини ютади. Тамаки тутунида юздан ортиқ компонентлар бўлиб шулардан 40 таси ўта хавфли ўсимталарни келтириб чиқаради.

Юз минг дона тамаки чекишга улгурган 30 фоиз эркаклар ва йигирма фоиз аёллар сурункали бронхит касаллигига чалинган. Чекмайдиган кишиларда эса бу рақам беш фоизни ташкил этади.

Ер юзидаги 40 фоиз аҳоли (эркаклар ва аёллар) чекади. Бир дақиқада 300 минг дона тамаки тутатилади.

**Қодир ТУРОБОВ.**

## Бой тажрибалар

ТОШКЕНТДАГИ «Альтсофт» фирмаси нуфузли ўқув компьютер маркази сифатида кўзга кўриниб қолди. Ушбу илмий-маърифий даргоҳ ёшларнинг компьютер саводхонлигини оширишга қаратилганди.

Яқинда шаҳримизда республика компьютер фестивали бўлиб, унда марказ етакчилик қилди.

«Альтсофт»нинг Америкадаги нуфузли фирмаларидан бири ҳисобланган сармоядорлар даргоҳи билан ҳам алоқаси мустаҳкамланиб бормоқда. Юқори малакали сармоядорлар тайёрлашда бой тажриба орттирган мазкур фирма Америка ва Ўзбекистон мактаб ўқувчилари дўстлигини мустаҳкамлаш режаларини белгилади. Шунга кўра яқинда бир гуруҳ америкалик ўқувчилар Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келадилар. Улар компьютер саводхонлиги сабоқлари бўйича тенгқурлари билан ўзаро мулоқотда бўладилар.

**Воҳид ВАЛИЕВ.**




**⊙ Акмал Икромов туманидаги «Оқмачит» маҳалласида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси Тоживой ака Шамсиев катта ҳаёт йўлини босиб ўтган одам. Ёши етмишдан ошган бу табаррук отахоннинг саккиз нафар ўғил ва қизи, йигирмадан ортиқ невара-эваралари бор. Кўп йиллар давомида давлат корхона ва идораларида ҳалол меҳнат қилиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи фахрий унвонига сазовор бўлган бу одам бой ҳаёт тажрибасига эга. Фарзандларининг ҳаммасини уйлантирган, турмушга берган, жуда кўп тўй ва маъракаларда қатнашган Тоживой ака тўйлар ҳақидаги кўп йиллик тажрибалари ва кузатувлари, биргаликда турмуш кечиришда асқотадиган маслаҳатлари билан газетхонлар ила ўртоқлашишни ният қилибди.**

ЮРТИМИЗДА тўй мавсуми бошланди. Ҳар бир ота-она фарзандини вояга етказиб ўзига муносиб оилага қуда бўлишни орзу қилади. Камина ҳам бир нечта ўғил-қизларни уйлантириб, турмушга чиқариб, невара, эвара кўрган бахтли кексалардан.

Балоғатга етган ҳар бир ўғил-қиз, албатта, ўзига умр йўлдоши танлаш ҳуқуқига эга. Аммо фарзандлар ҳаёт тажрибаси йўқлигидан хатоликка йўл қўйиб қолмасликлари учун ҳамда ота-она ўзининг келажак авлодига муносиб насл қолдириш мақсадида бу ишга, шубҳасиз, бош қўшишлари керак.

Никоҳ тўйи ёшлар ҳаётида бир умр эсда қоладиган тантанали воқеадир. Шунинг учун унга пухта тайёргарлик кўриш ва расамади билан ширин қилиб ўтказиш катта аҳамиятга эга. Хайриятки, ёш келин-куёвларни домла-имомлар иштирокида никоҳдан ўтказиш ман қилинган замонлар ортда қолди.

* Шахсий фикр

## ЯНА ТЎЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА

Маълумки, миллий урф-одатимиз бўйича келин-куёвларнинг никоҳ тўйидан кейин «чилла» кунлари бошланади. Қирқ кун давом этадиган бу даврда ёшлар қоронғу тушмасдан уйга кириб келишлари, бир-бирларининг ёнида иложи борича кўпроқ бўлишлари талаб қилинади. Бу кунлар келин билан куёвни узоқ вақт ҳамсуҳбат қилиб, бир-бирларига яқинлаштиради, уларнинг келажак турмушлари бўйича ўз режаларини тузиб олишларига ёрдам беради. Шунинг учун кейинги йилларда айрим оилаларда баъзи келин-куёвлар томонидан эътибор анча сусайиб бораётган бу яхши анъананинг қадрини яна тиклаш ва таъсирини кучайтириш айни муддао бўлур эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қийинчиликлари, айниқса, энди уйланиш ёки турмушга чиқиш арафасида турган ёшларимиз ҳаётига таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги оғир шароитда ўғил уйлантириш ҳам, қиз чиқариш ҳам жуда мушкул иш бўлиб қолди. Айниқса тўйга қўй сотиб олиш, қизга мебель харид қилиш жуда кўп сармоя жамғаришни талаб қилмоқда. Иқтисодий қийинчилик шароитида эса бундай катта маблағ тўлашнинг ўзи бўлмайди. Ота-оналар нархи осмонда бўлган мебель ёки бошқа тўй саруполарини тўплаб улгургунларигача ёшларнинг, айниқса, қизларнинг ёши анчага бориб қолиши ҳеч гап эмас. Бу эса яхши оқибатларга олиб келмайди, албатта. Шунинг учун ўзимизнинг эски урф-одатларга қайтсак, яъни қудалар ўзаро келишганлари ҳолда тўйларни ихчам ва тежамкорлик билан ўтказишса, чунки келин-куёвларнинг бир-бирларига меҳр-оқибатлари қудаларнинг бир-бирларини ҳурмат қилишлари, аяб-асрашларидан бошланади.

Тўйларимиз ҳақидаги ушбу мулоҳазаларимни алломаларнинг ёшларга аталган қуйидаги ҳикматли сўзлари билан якунлашни маъқул топдим. Бир аллома: «Бирор қизга унинг қадди-қомати келишганлиги учунгина уйланиш худди бозордан кераксиз бўлса ҳам кўзга яхши кўринган буюмни сотиб олиш билан баробар» деб огоҳлантирса, иккинчи аллома: «Ҳаётларини бир-бирига боғламоқчи бўлганлар никоҳга қадар ҳамма нарсага кўзларини катта очиб қарашлари, никоҳдан кейин эса баъзан кўриб кўрмаганликка олишлари керак», деб насиҳат қилади.

Ёшларимиз доноларнинг ушбу ўгитларини эсдан чиқармасалар яхши бўларди.

**Тожибой ШАМСИЕВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси.**

* Тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари

## ТЎЛАБИЙ

— БОЛАМГА келинчакни ўзим танлаб олиб бераман, бойнинг бойлигига қизиқмайман, бекнинг беклигига қизиқмайман. «Асл пичоқ қон тагида ётмайди» деганлар. Келиним ақлли бўлса, болам доно бўлади. Эр бахти — аёл. Эл сийлайдиган эрни ақли билан одам қиладиган ҳам аёл, кенг ёйилган дастурхони билан эрининг отини чиқарадиган ҳам аёл, — деган экан Тўлабий.

Тўлабий Алибек ўғли қардош — ўзбек ва қозоқ халқлари фарзандидир.

1743 йили Йўлбарс вафотидан сўнг, унинг ўрнига олти йил, яъни 1749 йилгача Тошкент ҳокимлигини Тўлабий олиб боради. «Ота кўрган ўқ отар» деганларидек, отаси Алибекбийнинг феъл-атвори Тўлабийда мужассамлашган экан, дейишади у ҳақда маълумот берувчилар. Тўланинг халқ ўртасидаги иззат-икромининг хон-султонлардан зиёд бўлганлигини рус тадқиқотчилари ва хорижий эллардан келган сайёҳларнинг асарларидан ўқиш мумкин.

Тўлабийнинг ўзбек ва қозоқ халқларини бирлик ва дўстликка чорлашда ҳам хизматлари катта. Тўлабий ўзбек ва қозоқларнинг ўйратликлар — қалмоқлар билан тинчлигини кўзлаб, қалмоқларнинг талаб этган солиқларини ўтаб, ўйрат ҳокимларига ўз ўғли Жўланни гаровга беради. Халқ ёзма адабиёти ва Абдураим шажараси бўйича Жўлан қалмоқхон қўлида ўн тўрт йил бўлган. Тўлабийнинг яна бир ўғли Хўжабек қалмоқларга асир тушиб, қайтмаган.

Тўлабийнинг васиятига кўра, тўқсон уч йил яшаб, ёруғ дунё билан хайрлашган, «Эл—улусин, дунёга келмак бор, аммо юрмоқ йўқ», — деган Тўлабийнинг суяги Тошкентдаги Шайхонтоҳур мачитига қўйилади.

Қозоқ ва ўзбек, туркман ва қорақалпоқ каби қардош ва қондош халқларни тинчлик ва тотувликка чақириб, уларни бирлаштирган қардош халқлар ўртасида аҳён-аҳён бўлиб турган дов-жанжалларни тинч йўл билан одилона бартараф этган ҳоким ва файласуф, шоир ва бий, давлат арбоби, туркий халқларнинг севикли фарзанди Тўлабий яқинда 330 ёшга тўлади. Шу муносабат билан бобомизнинг руҳи шод бўлиши учун «Оқшом» муштарийларига унинг ҳикматларини ҳавола этмоқдамиз.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.**

## ҲИКМАТЛАР

⊙ Оққа қора йўқ,
Қорага чора йўқ.
⊙ Чин сўзга ўлим йўқ.
⊙ Отаси яхшининг, ўғли ҳам яхши,
Онаси яхшининг қизи ҳам яхши.
⊙ Дўстинг ҳам, душманинг ҳам эр бўлсин.
⊙ Дўстингга ёлғон айтма — ишончинг кетар,
Душманингга сирингни айтма — тагинга етар.
⊙ Қурол олсанг, милтиқ ол; яёв юрсанг — таёғинг,
оч қолсанг овқатинг.

* Маданий меросимиздан
Мурод МИРЗО

## БУНЁДКОР СОҲИБҚИРОН

### ШОҲИЗИНДА



МАЪЛУМИНГИЗКИМ, милоддан аввалги IV асрдан милодий VI асргача ҳозирги Самарқанд ўрнида Сўғд давлатининг пойтахти Мароканда шаҳри бўлган. Рим тарихчиси Квинт Курций Руф (I аср)нинг ёзишича, Самарқанд қалъаси деворининг айланаси тахминан 10,5 километр эди. Александр Македонский қўшинлари Самарқандни милоддан аввалги 329 йили вайрон қилганлар. Самарқанд VI асрда Турк хоқонлигининг таркибига киради. 712 йили Қутайба саркардалигидаги араб қўшинлари Самарқандни оладилар. Самарқанд IX асрнинг 20-йилларида сомонийлар давлатининг пойтахти эди. Шаҳар XI асрдан эътиборан қорахонийлар давлати таркибига кирган. 1220 йили Самарқандни Чингизхон босиб олиб, аҳолини қириб, шаҳарни вайрон қилади. XIII асрда Чингизхон (1206—1227 йилларда ҳукмронлик қилган) бошлиқ мўғуллар Афросиёбнинг кулини кўкка совургач, маҳаллий халқ бу ерни ташлаб кетган. Шундан сўнг Афросиёб фақат Темур ва темурийлар даврига келибгина бошқа йўсинда шакллана борди. Яъни Амир Темур ҳокимият тепасига чиқиши билан маданий ҳаётнинг ривожланиши янги босқичга кўтарилган. Амир Темурдан сўнг, унинг севикли набираси Муҳаммад Тарағай ҳам Афросиёб атрофида буюк ўзгаришларни амалга оширади. Археологик қазилмалар, илмий-қидирув ишларидан шулар маълумки, Самарқанд шаҳрининг тарихи, унинг ривожланиши асосан Темур ва темурийларнинг номи билан боғлиқдир. Ҳеч бир олим, раҳбар, давлат арбоби Амир Темурдек (умуман темурийлардек) Самарқанд шаҳри учун жон куйдирмаган. Хусусан, Афросиёб ҳам шулар жумласидандир. Амир Темур Афросиёбда қалъа бунёд этишга фармон беради. Унинг деворларининг баландлиги 8 метр бўлган.

Самарқанд шаҳридаги ажойиб ёдгорликлар мажмуиларидан бири бу — Шоҳизиндадир. Шоҳизиндадаги ёдгорликлар Амир Темур ва темурийлар давридагина бунёд бўлиб қолди. Шоҳизинда — тирик шоҳ демакдир. У Афросиёбнинг жанубида, қабристондаги мақбаралардан иборат. Мақбараларнинг энг қадимийси қаторига Қусам ибн Аббос мақбараси ҳам киради. Қусам пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи Васалламнинг амакиваччалари. Қусам ибн Аббос исломни тарғиб ва ташвиқ қилишда иштирок этган буюк шахслардан биридирлар. Улар шу мақсадда 676 йилда Самарқанд шаҳрига келадилар, шу ерда ўлдириладилар ва дафн этиладилар. Айтилишича Қуссам ибн Аббос номоз ўқиб турган вақтларида кофирлар ҳужум қилиб, уни ўлдирганлар. Амир Темур ҳукмронлик қилган давр (1380 йил)да қабр устига янги дахма тош ўрнатилган. Ундан олдин ҳам қимматбаҳо тош бўлган, лекин уни мўғуллар 1220 йилда олиб кетганлар. Мақбара қадим ва кўҳна Турон кулоллари ишларининг энг яхши намуналаридан биридир. Амир Темур даврида сирли кошин камроқ қўлланилган, мақбараларнинг беҳад зеб-зийнати ўрнини ўймакор кошин билан безатилган безаклар эгаллайди.

Қуссам ибн Аббос мозорининг ёнида бошқа улуғлар, уламолар, мўътабар кишилар дафн этилган. Унинг ёғоч эшигида қимматбаҳо тошлар ҳам бўлиб, ўймакорликнинг энг гўзал намунаси ҳисобланган. Уни Амир Темур қайрағоч дарахтидан ясатган. Ҳозир у ердаги хоналар нураган, қаровсиз бир ҳолатда. Бу қабр пастга қараб қуриб борилган. Шу ердан Шаҳрисабзга ер ости йўли ҳам бор дейишади. Шоҳизинданинг асосий бош дарвозасини Мирзо Улуғбек ўғли Абдулазизга атаб, милодий 1434—1435 (ҳижрий 838) йиллари қурдириб, унга қуйидаги сўзларни битган: «Абдулазиз Баҳодир ибн Улуғбек ибн Шоҳруҳ ибн Темур». Кичик мадраса бўлса милодий 1812 (ҳижрий 1228) йили бунёд бўлиб, уни Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодир бунёд эттиради.

Шоҳизинда ёдгорликлар мажмуида Амир Темур ва темурийлар томонидан қурилган мақбараларнинг сони салмоқлидир. Амир Темур ҳаётлигида қурилган биринчи бино бу — Туркон оқанинг 1372 йилда қурдирган мақбарасидир. Туркон оқа Амир Темурнинг опаси бўлган. Туркон оқанинг 1370—1371 йилларда қизи вафот этганлиги муносабати билан мақбара қурилган. У Шоди мулк оқа мақбараси ҳам деб аталади. 1383 йили Туркон оқанинг ўзи ҳам вафот этгач, шу ерга дафн этилган. Бу ерда бинонинг устаси самарқандлик Шамсиддин ва Бадриддин ҳамда бухоролик Зайниддин ибн Шамсиддинларнинг номлари ёзилган. 1376 йили Амир Темурнинг саркардаларининг бири амир Ҳусайннинг онаси Туғли Текин учун ҳам мақбара қурдирилади. У ўз номи билан Туғли Текин мақбараси деб аталган. Мақбара ичида тўртта қабр бор. Остидаги ғиштлари чиқиб қолган.

Амир Темурнинг синглиси Ширинбика оқа 1385 йили вафот этгач, тезда мақбара қуришга киришилади. Ичида тўртта қабр тош бор. Нақшин-тешикли, гипс панжаралари, деразалар осилиб ётибди. Меҳроб тушиб кетган. Таъмир ишлари умуман қониқарсиз.

Амир Темурнинг кенжа хотини Туман оқа ҳам обидалар қуриб битказган. Шулардан Туман оқа ёдгорликлар мажмуи алоҳида ўринни эгаллайди. У мулозимхона, масжид (ҳонақоҳ) ва Туман оқа мақбарасидан иборат. Масжид XIV асрнинг 80-йилларида, мақбара эса уста Муҳаммад Шайх ибн Ҳожибек Табризий томонидан 1405—1406 йилларда қурилган. 1992 йилгача Туман оқа мақбарасида қурилиш жиҳозлари сақланди. Ўшанда ҳаммаёқ алибастр билан тўла бўлган. Қарийб олти-етти йилдан бери ёпиқ. Зах ва нам тортиб кетган. Ташқи томони саводсизларча таъмир этилган. Нақшларнинг оралари ғиштлар билан беркитилиб юборилган, деворлари ёрилиб ётибди.

Ёдгорликка кирган мақбаралардан яна бири (XIV асрда қурилган) Амирзода мақбарасидир. Мақбара ва у ерга дафн этилган шахснинг номи маълум эмас, лекин у Амирзода мақбараси деб аталган. Бирон бир шаҳзода ёки уларнинг фарзандларига атаб қурилган бўлса ажаб эмас. Бу мақбара Туғли Текин мақбарасидан сўнг орадан ўн йил ўтгач — 1386 йилда қурилган. Мақбара ичида 9 та катта-кичик қабрлар бор. Ички томони сифатсиз таъмирланган. У ерга турли ёзувлар ёзиб ташланган. Ҳозир ўта қаровсиз бир ҳолатда. Ҳатто кабутарлар ин ҳам қуриб олишган. Гумбазнинг ости тушиб кетган. 11 та токчаси бор, деворлари ёрилиб ётибди.

Обидада яна бир мақбара бор, унинг номи Уста Алидир. Мақбаранинг ким учун қурилганлиги номаълум. Ундаги ёзувлардан қаршилик уста Алининг номигина сақланиб қолган. Буни Гулдор мақбара ҳам деб атайдилар, чунки безатилиши жуда ҳам чиройли. Мақбара XIV асрнинг охирги ўн йилликларида бунёдга келган деб тахмин қилинади.

XIV асрнинг 80-йилларида Амир Темурнинг аёнларидан бири Амир Бурундуқ учун ҳам мақбара қурилган. Бинонинг ичи содда қилиб безатилган. Бу Шоҳизиндадаги энг йирик мақбара ҳисобланади. Ичида олтита қабр бор. Оқ сувоқ қилинган. Ости кўк рангда, таъмири жуда ёмон. Шуларни кўриб: «Эҳ, биз ворислар, ақлсиз, муте, манқурт ворислар», дегингиз келади.

Мақбараларнинг энг қадимийси бу —Хўжа Аҳмад мақбарасидир. Ривоят ва тарихий маълумотларга қараганда мақбара Хўжа Аҳмад деган шахснинг номи билан боғланган. Ўймакор кошин қопламининг фони асосан феруза рангда бўлиб, устига оқ ранг билан ҳуснихатда Қуръони Карим оятлари ёзилган. Меъмор Уста Алининг номи шу ерда ҳам мавжуд. Бунда тўртта қабр бор. Томдаги ёғочлар 1340 йилга оид.

1360 — 1361 (ҳижрий 762) йилларда номаълум киши мақбараси қурилади. Пештоқдаги ёзувлардан мақбаранинг бир мўътабар аёл киши учун бунёд бўлганлигини билиш мумкин, лекин ўша аёлнинг номи сақланмаган. Шунингдек, баъзи ривоятларда мақбарани Амир Темурнинг хотинларидан бири — Қутлуғ оқа номи билан боғланса-да, афсуски, тарихий манбаларда бу ном учрамайди.

Шоҳизинда ёдгорликлар мажмуининг тарихий, маданий ва меъморий аҳамияти ғоятда улкандир. У XIV аср бошидан XV аср ўрталаригача бўлган серҳашам дахмаларнинг юз йиллик узлуксиз ривожланиш жараёнини ёритиб беради. Минг афсуски, XI—XII асрларга оид ёдгорликлар қарийб буткул йўқ бўлиб кетган. Йўқ бўлган нарсани эса яна ҳаётга қайтариш қанчалар мушкул.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

